

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

6 ноябрь 2017 г.

№ 891

Ташкент ш. – г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичларида асосий ўрин тутувчи ўзбек халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётининг тарихан шаклланган адабий мактаблари, буюк аждодларимизнинг бадиий сўз санъати ривожига кўшган улкан ҳиссаси, илмий мероси, ўзбек фольклори ва адабиётиниши халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, бошқа халклар адабиётлари билан алокалари. фольклор ва адабиётнинг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш орқали кенг жамоатчилик, энг аввало, ёш авлод ўртасида ватанпарварлик, аждодлар меросига ворислик, азалий анъаналарга содиклик, келажакка ишонч ғояларини тарғиб этиш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:


1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи (кейинги ўринларда Музей деб аталади) ўзбек халқ оғзаки ижоди дурданалари, ёзма адабиётининг энг кадимги давридан шу кунгача бўлган тарихий тараккиёт босқичларини чукур тадқиқ килиш ва уни турли экспозициялар кўринишида тарғиб килиш орқали халқимиз, аввалимбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиёсими юксалтиришга хизмат киладиган илмий муассасаса эканлиги маълумот учун қабул килинсин.

2. Куйидагилар Музейнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ўзбек халқ оғзаки ижодиёти дурданалари, ёзма адабиётининг кадимги даврдан шу кунгача бўлган тарихий тараккиёт босқичларини чукур ўрганиш, уни мамлакатимиз тарихининг таркибий қисми сифатида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда экспозиция заллари орқали акс эттириш;

ўзбек адабиёти билан боғлиқ янги каشف этилган манба, архив хужжатлари ва тарихий ашёларни илмий тадқиқ этиш;

музей фондида сақланадиган Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур каби алломаларимизнинг кўллэзмаларини илмий тавсифлаш, тадқиқ этиш, улар асосида электрон каталоглар тайёрлаш, уларнинг илмий-танқидий матнларини яратиш ва иоёб кўллэзмаларнинг факсимиль пашрларини амалга ошириш;



музей фондлари ва экспонатларини мамлакатимиз ва хориждаги ўзбек фольклори ва адабиёти билан боғлик турли ҳужжатлар, экспонатлар ва бошқа ашёлар билан мунтазам бойитиб бориш;

Ўзбек адабиётини тарғиб қилган шоир ва олимлар таваллуди, ўзбек адабиёти тарихи билан боғлик муҳим саналарни нишонлап бўйича республика ва ҳалқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказиш, ўзбек адабиётини ўргангандар республикамиз ва хорижлик таниқли олимлар иштирокида семинарлар, ҳалқаро анжуманлар ташкил килиш;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлиқда Музейда очик дарслар, маъруза ва семинар машгулотлари, талабаларнинг малакавий амалиёт ўтасини таъминлаш, Музейнинг илмий базасидан фойдаланган ҳолда юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига кўмаклашиш;

хорижий музейлар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, адабиёт соҳасида нашр этилган илмий-бадиий, тарихий ҳужжатлар, интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш ва таҳлил этиш.

3. Куйидагилар Музей фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Музейни сақлаш ва фаолият юритиши билан боғлик маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан ўтказиладиган танловларнинг натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган маблағлар;

ҳомийлар, ҳалқаро молия институтлари ва бошқа институтларнинг, хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

конун ҳужжатларида такиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Маданият вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзархив” агентлиги, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлеклари билан биргаликда Музей экспозицияларини янгилаш, фольклор ва ёзма адабиёт, ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига оид манба ва кўллэзмалар, ҳужжатлар, кино, фото материаллар ва ашёлар билан доимий тўлдириб боришни таъминлаш;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлиқда Музейни сайдёхлар ташриф буюрадиган маконга айлантириш чораларини кўрсинг;

Музейнинг самарали фаолиятини йўлга кўйиш ва моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиксин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг

2018-2019 йилларда Музей биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлани ҳамда Музей биносига туташ худудни ободонлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар хокимлигининг Музей биносини реконструкция қилиш ва унга туташ худудни ободонлаштириш ишлари бўйича:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясини буюртмачи этиб белгилаш;

бош лойиҳачи ва бош пурратчи ташкилотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Йқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2018-2019 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда Музейни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Музейни реконструкция қилиши учун зарур капитал қўйилмалар лимитларини назарда тутсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Музей биносига туташ, шу жумладан Алишер Навоий ҳайкали жойлашган худудни ободонлаштириш билан боғлик барча ҳаражатлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан;

Музейни замонавий техник воситалар, шу жумладан интерактив инфокиоск ва мониторлар, стенд ва подиумлар билан жиҳозлаш учун зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий муассасалар объектларини сотищдан тушадиган бюджетдан ташкари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси белгиланган тартибда Музей биносини реконструкция қилиш ва унга туташ худудни ободонлаштириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилиши ва курилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши юзасидан давлат архитектура-курилиш низоратини ўрнатилишини тъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Молия вазирлиги билан биргалиқда Музейда реконструкция ва жиҳозлаш ишлари тугагандан сўнг Музей тузилмасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

белгиланган тартибда Музейни зарур алоқа турлари ва воситалари, жумладан интернет тармогидан фойдаланиш имкониятини яратсин;

Музейга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий килган ҳолда мавзуга оид виртуал экспурсиялар ташкил этиш, Музей экспозицияларида замонавий ахборот киоскларини ўрнатиш ҳамда виртуал музейни ташкил этиш чораларини кўрсинг.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2017 й., 20-сон, 371-модда) иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Йўлдошев зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-тахлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил “**6**” **ноябр** даги
89Г-сон қарорига
илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 майдаги
292-сон қарорига киритилаётган ўзgartiriшлар

1. 2-бандда:

ўзбек тилидаги матнининг ўнинчи хатбошисидаги “институтининг” сўзи
“институтининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин”
сўзлари билан алмаштирилсин.

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

